

**BUGUNGI KUNDA OILAVIY KONFLIKTLARNING IJTIMOIY  
VA YURIDIK TABIATI**

**Mirzayev G'iyosbek Isroil o'g'li**

"Xalqaro huquq va inson huquqlari" kafedrasи  
o'qituvchisi  
Toshkent davlat yuridik universiteti  
Telefon: +99897 375 35 33.  
E-mail: [giyosbek.mirzayev91@mail.ru](mailto:giyosbek.mirzayev91@mail.ru)  
[Toshkent, O'zbekiston](#)

**Annotatsiya:** Mazkur maqola orqali oilaviy munosabatlarning ijtimoiy va yuridik ahamiyati, oilaviy konfliktlarning vujudga kelish asoslari, konfliktlarning ijtimoiy va yuridik tabiatni, oiladagi mehnat taqsimotiningadolatsizligi oqibatlari, gendertenglikning bugungi kudagi ahamiyati, er-xotinning oiladagi huquq va majburiyatlar, oilaviy ajrimlar, nikoh shartnomasi va oilaviy ajrimlarning oldini olish masalalari yoritib beriladi.

**Kalit so'zlar:** oila tushunchasi, konfliktlar, oilaviy nizolar, ajrimlar, oila a'zolarning huquq va majburiyatlar, ajrimlar statistikasi.

**СОЦИАЛЬНО-ПРАВОВАЯ ПРИРОДА СЕМЕЙНЫХ  
КОНФЛИКТОВ СОВРЕМЕННОСТИ**

**Мирзаев Гиёсбек Исраил угли**

Кафедра "Международное право и прав человека"  
преподаватель.

Ташкентского государственного юридического университета

Телефон: +99897 375 35 33.

E-mail: [giyosbek.mirzayev91@mail.ru](mailto:giyosbek.mirzayev91@mail.ru)  
[Ташкент, Узбекистан](#)

**Аннотация:** В статье рассматривается социально-правовое значение семейных отношений, причины семейных конфликтов, социальная и правовая природа конфликтов, последствия несправедливого разделения труда в семье, важность гендерного равенства на сегодня, права и обязанности, супругов в семье, семейных разводов, брачных договоров и вопросов, связанных с семейными разводами, а также пути его избежания.

**Ключевые слова:** понятие семьи, конфликты, семейные споры, разводы, права и обязанности членов семьи, статистика разводов.

## SOCIAL AND LEGAL NATURE OF TODAY'S FAMILY CONFLICTS

**Mirzayev Giyosbek Israil oglı**

Department "International Law and Human Rights"

Lecturer.

Tashkent State University of Law

Phone number: +99897 375 35 33.

E-mail: [giyosbek.mirzayev91@mail.ru](mailto:giyosbek.mirzayev91@mail.ru)

Tashkent, Uzbekistan

**Abstract:** This article discusses the social and legal significance of family relationships, the causes of family conflicts, the social and legal nature of conflicts, the consequences of unfair division of labor in the family, the importance of gender equality today, the rights and responsibilities of spouses in the family, family divorces, marriage contracts and issues related with family divorces, as well as how to avoid them.

**Keywords:** the concept of family, conflicts, family disputes, divorces, rights and obligations of family members, divorce statistics.

Ўзбекистон халқига оила азал-азалдан муқаддас даргоҳ эканлиги барчамизга маълум. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боб 63 моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилига асосланди”, – дейилган. Бу норма Оила Кодексининг 14 моддасида ҳам ўз аксини топган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушган никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларнинг кўп киритилишига гувоҳ бўламиз. Бундан жамият ва ҳар икки тараф моддий ва маънавий зарар кўраётганлиги боис. Мазкур мақола орқали оиласи низоларнинг айрим сабаблари, уларни ечимлари, никоҳларнинг қайд этилиши ва никоҳдан ажратишларнинг умумий статистик маълумотларини бериб ўтамиз. Кундан кунга никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризалари Фуқаролик ишлари бўйича судларга навбатсиз оқиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси

олий судининг [oliysud.uz](http://oliysud.uz) расмий сайтидан олингган статистик жадвалга эътиборингизни қаратамиз.

Фуқаролик ишлар бўйича судлар томонидан биринчи инстанцияда кўрилган никоҳдан ажратишга онд ишлар юзасидан статистик маълумот

№	Худудлар	Кўриб тамомланган иш					шундак														кўрмасдан қолдирилган					
		қаноатлантирилган					рад этилган					иши юритиш тутатилган					кўрмасдан қолдирилган									
		2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й. 9 ойн	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й. 9 ойн	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й. 9 ойн	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й. 9 ойн	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й. 9 ойн
1	Андиқон вилояти	5 403	4 438	3 832	4 801	4 290	2 972	1 989	1 703	2 536	2 285	1 635	1 914	1 756	1 694	1 600	250	171	128	163	97	546	364	245	408	308
2	Бузуро вилояти	2 753	2 537	2 127	3 129	2 643	1 494	1 543	1 308	1 768	1 434	626	512	367	639	655	474	310	275	431	306	159	172	177	291	248
3	Жizzозах вилояти	1 672	1 466	1 553	1 949	1 720	589	633	629	818	739	829	633	743	902	817	177	119	95	142	85	77	81	86	87	79
4	Қашқадарё вилояти	2 679	2 573	3 126	3 872	3 308	1 306	1 506	1 982	2 402	1 792	854	657	697	922	1 041	280	237	231	259	197	239	173	216	289	278
5	Қорғазловистон Р.	1 899	1 592	1 551	2 047	1 864	1 147	1 052	910	1 268	1 094	273	213	328	315	328	320	222	212	239	233	159	105	101	225	209
6	Навоий вилояти	1 505	1 367	1 356	2 102	1 413	900	834	760	1 036	792	278	260	294	615	291	232	185	207	246	146	95	88	95	205	184
7	Наманган вилояти	3 418	3 114	2 639	3 897	3 367	1 496	1 440	1 234	2 092	1 915	1 557	1 382	1 149	1 455	1 144	111	60	47	31	44	254	232	209	319	264
8	Самарқанд вилояти	5 781	5 452	5 103	6 942	5 917	3 183	2 978	2 623	3 616	3 021	1 899	1 857	1 918	2 617	2 292	408	275	243	334	315	291	342	319	375	289
9	Сердарё вилояти	1 351	1 136	1 182	1 527	1 271	870	743	732	1 042	828	246	228	302	313	285	133	83	55	48	102	102	82	93	124	56
10	Сурхондарё вилояти	2 911	2 273	1 952	2 653	2 576	1 479	1 280	1 067	1 576	1 502	993	660	573	694	669	227	146	83	77	40	212	187	229	306	365
11	Тошкент вилояти	5 028	4 442	4 407	5 929	5 001	2 879	2 471	1 974	2 844	2 513	1 501	1 497	1 930	2 489	1 966	339	191	123	82	87	309	283	380	514	435
12	Тошкент шаҳри	5 674	6 176	5 516	7 834	6 120	2 623	2 800	2 535	3 596	2 737	2 444	2 806	2 428	3 393	2 778	296	196	143	149	91	311	374	410	696	514
13	Фарғона вилояти	4 249	3 914	3 466	4 899	4 535	1 735	1 972	1 693	2 470	2 615	1 969	1 649	1 517	2 027	1 566	190	87	65	40	51	355	206	191	362	303
14	Хоразм вилояти	2 007	1 870	1 656	2 079	1 828	828	946	989	1 263	1 149	797	649	479	623	501	105	90	97	58	61	277	185	91	135	117
<b>ЖАМИ</b>		<b>46 330</b>	<b>42 350</b>	<b>39 466</b>	<b>53 660</b>	<b>45 853</b>	<b>23 501</b>	<b>22 187</b>	<b>20 139</b>	<b>28 327</b>	<b>24 416</b>	<b>15 901</b>	<b>14 917</b>	<b>14 481</b>	<b>18 698</b>	<b>15 933</b>	<b>3 542</b>	<b>2 372</b>	<b>2 004</b>	<b>2 299</b>	<b>1 855</b>	<b>3 386</b>	<b>2 874</b>	<b>2 842</b>	<b>4 336</b>	<b>3 649</b>

Мазкур статистикага эътибор қаратадиган бўлсак, 2022 йилнинг 9 ойлик даврда республика бўйича жами **45 853** та никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризалар судларга келиб тушган ва кўриб тамомланган. Шулардан, **24 416** таси қаноатлантирилган яъний никоҳни бекор қилиш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган. **15 933** та даъво аризани қаноатлантириш рад этилган. Бу билан судлар никоҳни бекор қилишга арзирли сабаблар йўқ деб топган ёки тарафлардан бири бу никоҳни бекор қилишга қарши эканлигини оиласани сақлаб қолиш имконияти бор эканлигини билдириган бўлиши мумкин. Бу ҳолатда суд тарафларга ўйлаб кўриши учун вақт бериш ва оиласини сақлаб қолиш чораларини кўриш мажбуриятини юклайди. Бундай ҳолатда даъво ариза киритган тараф айни шу даъво аризаси билан олти ой ичida судга қайта даъво кирита олмаслигини билдиради. Аммо, иккинчи тарафнинг (жавобгар) давогар сифатида олти ойлик муддатга амал қилмай даъво ариза киритиш ҳуқуқи мавжуд. Республика бўйича **1 855** та даъво аризаси бўйича иш юритиш Фуқаролик процессуал кодексининг 124 моддаси доирасида иш юритишни тутатган. 2022 йил 9 ой мобайнида кўрилган **45 853** никоҳдан ажратиш ишлардан **3 649** тасигина кўрмасдан қолдирилган. Ишни судда кўрмасдан қолдириш

асослари Фуқаролик процессуал кодексининг 122 моддасида бирмабир келтирилган.

Ўйлаб кўринг! 9 ой давомида судга киритилган никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаларнинг **53.2 %** қаноатлантирилган. Бу рақамлар орқали шунча оила йўқ бўлганини билишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2022-йилнинг январ-сентябр ойларида республика бўйича **197 013** та никоҳ ҳолатлари қайд этилган. Умумий хисобини олсак, шу 197 013 та оиласдан **45 853** та оила нотинч бўлганини тушунишимиз мумкин. Бу рақамлар ниманинг хисобига ошади деб ўйлайсиз?

Психолог олимлар ва амалиётчи мутахассисларнинг фикрига кўра, оилавий конфликтларни вужудга келиш сабабини З гурӯҳга бўлишимиз мумкин. Булардан бири - “Оиласдан мөхнат тақсимотинингadolatsiz эканлиги оилавий низоларнинг вужудга келиш сабабининг бири ҳисобланади”. Бугунги кун ҳолатидан келиб чиқадиган бўлсак, оилавий низоларнинг аксарияти моддий томондан қийналган оиласарда юз беради. Рўзғорни бутлаш учун оилани мөхнатга лаёқатли аъзоси ишлаб пул топиши ва оилавий ҳаражатларни қоплашда кўмаклашиш керак. Бунда эр ва хотин ҳам бирдек масъулдир. Ўзбекчиликда деймизми ёки мусулмончиликдами оилани моддий муаммолари аввалдан эркак киши зиммасида бўлиб келган. Аёл киши эса уй ишлари ва бола парвариши билан машғул бўлади. Бу қайсиadir жиҳатдан эр ва хотин ўртасидагиadolatli mөхнат тақсимоти бўлиши мумкин.

Биз ижтимоий воелик томондан оилавий конфликтларни келиб чиқишини келтириб ўтсак. Оиласдан эркак киши устун мавқега эга ҳисобланади. Оилани барча муаммолар у орқали ҳал этилади. Келгуси режалар ҳам эркак кишининг якуний қарори билан тузилади. Аёли эса маслаҳатдош ва вазир сифатида рўл ўйнайди. Агар вазиятга теран қарайдиган бўлсак. Оиласдан эр ҳам хотин ҳам мөхнат қилиб пул топмаса, бу оиласидаги асосий низолардан бири бўлади. Агар эркак киши ишламай озгина уйда камчилик чиқдими аёл киши эрини пул топмаяпсан, оилани боқолмаяпсан деган эътиrozлари пайдо бўлади. Шу вазиятда эринг ишлолмаса, соғлиги кўтармаса пул тополмайдида. Шундай ҳолатда аёлга қараб, “Сен ўзинг оиланг учун нима қилдинг, қандай моддий наф келтирдинг” дейдиган одам топилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексиниг 2-моддасида “**Оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг teng ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилган.**

**Унда** оиласи муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оиласи масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади", – деб белгиланган.

Агар оилада аёл киши пул топиб келмаса ҳам эр томондан хотинига ҳеч қандай эътиroz билдирилмайди. Чунки бу бизнинг миллий менталитетимизга хос. Аммо эр топмаса хотин томонидан юз берадиган оиласи низолар барчангизга аён. Буни барча билиши керак-ки, бола тарбиясида эркак кишининг рўли келажакда фарзандлари қандай камол топишига ижобий сабаб бўлади. Бола тарбиясида, оиласи масалаларда ҳар иккисининг ҳам хиссаси бир ҳил бўлса, оилада ҳеч қачон низо келиб чиқмайди. Ўзаро меҳр-оқибат оиласи ҳотиржамлик энг катта баҳт эканлигини тушуниб етади. Бу албатта ижтимоий воеликнинг намоёнидир.

Меҳнат тақсимотининг адолатсиз эканлиги ҳам оиласи конфликтларни вужудга келишининг юридик табиати сифатида қаралади. Бу бугунги кун талабидан келиб чиқадиган ҳолат деб баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексимизнинг 19-моддасига **оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги қатъий норма сифатида киритилган.** **Унда:** "Эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар", – деб белгиланган. Албатта, қонунан шундай. Бироқ, бугунги кунда фойдалик меҳнат билан шуғулланмайдиган эркаклар ҳам аёллар ҳам мингминглаб топилади. Улар ишламаса ким ишлайди? Уларнинг оиласи моддий эҳтиёжларини ким қондиради? – деган савол берилиши ўринли. Меҳнат қилиш ҳуқуки Конституция ва Меҳнат кодексининг алоҳида моддасида кўрсатиб ўтилган.

Конституциямизнинг 37-моддасида "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга", – дейилган. Аммо фуқаролар шу ҳуқуқларидан ҳам унумли фойдаланмай келмоқда. Натижада жамиятимиз аъзолари томонидан боқимандалик кайфияти касб даражасига кўтарилиб бормоқда. Бу албатта инсонийликка хос эмас. Ваҳолангки, оила бошлиғи тўрт нафар

боланинг отаси бўлган жисмонан соғлом эркак киши ишламаса оилада қандай муҳит пайдо бўлишини тасаввур қилиб кўринг-а! Оилада йўқчилик туфайли ҳар куни жанжал содир бўлади. Натижада оилавий муносабатлар дарс кетади.

Бу масалани иккинчи томондан таҳлил қиласиган бўлсак. Тасаввур қилинг! Бир оилада тўрт нафар фарзанд бор. Фарзандлар тарбиясига ота-она бирдек масъул бўлиши шарт. Юқорида келтириб ўтганимиздек, оилада аёл (хотин) киши меҳнат қилиб, уйга пул олиб кирмасдан уйда ўтиrsa ҳам матонатли эркаклар ҳеч қандай миннат қилмайди, оилада жанжал чиқармайди. Бу ҳам бир ҳисобда эркакларга қон орқали ўтган метин иродадир. Базан уйда эркак ўтириб болаларни қараб, соғлигини тиклаш учун тиббий муолажаларни қилиб ётса, бу баъзи аёлларга ёқмайди. Бир кун чидайди, икки кун, бир ой чидар ана ундан кейин жанжаллар бошланади. Охир оқибат оилада соғлом муҳит йўқолади. Лекин оила бошлиғи эр дангаса бўлиб, уйда бор нарсани сотиб еб-ичиб ётса-ю, хотин ишлаб келиб оиладаги кам-кўстни тўлдираверсачи? Бу эса оилада Меҳнат тақсимотининг адолатсиз эканлиги оилавий конфликтларни вужудга келишининг юридик табиати хисобданади. Бунинг оқибатида Фуқаролик ишлари бўйича судларга никоҳдан ажратиш бўйича мурожаат қилувчилар сони яна биттага кўпаяди. Оилавий муносабатларга ҳар қанақанги киришиш албатда қонуний бўлиши керак. Бу никоҳ қуришдан тортиб, фарзанд кўриш, уларни тарбиялаш, моддий ва маънавий эҳтиёжларини ота-она бирдек таъминлашигача. Оиланинг бюждетини тўлиқ таъминлаш бугунги ҳуқуқий демократик давлатда эр ва хотин бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир. Конститутсијамизнинг 46 моддасида ҳам “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги белгиланган. Бундан ташқари бутун дунёда гендер тенглик қоидаси илгари сурилмоқда.

**Иккинчидан, Т.В. Андрееванинг** “Оилавий конфликтларни вужудга келиш сабабларидан бири оиладагиларнинг тарбияси яхши эмаслиги эр ва хотиннинг эҳтиёжлари қондирилмаганилиги ҳам низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади”- деб таъкидлайди.

Бу ҳолат оилавий конфликтларни вужудга келишига асосий сабабларидан бири. Бугунги кунда ҳар ким бирдек таълим тарбия оилиши учун давлат томонидан ҳуқуқий шароитлар яратилган бўлса ҳам ундан фойдаланишга имкониятлари бир хил эмас. Аввало ҳар бир инсон оилада тарбия топиши билан бир вақтда таълимни ҳам олади. Оилада неча киши бўлса, ҳар бирининг ҳарактери ва ҳохиш истаклари ҳам дунё қараши-ю, танлаган касблари ҳам бошқа-бошқа бўлади.

Инсон оилада яхши тарбия топиши ва бошқаларга наъмуна бўлиши керак. Қиз ва йигит турмуш қуруш ёшига етгани билан оилавий ҳаётга тайёр бўлмаслиги мумкин. Оилада йигит ва қиз ўз ўрнини билмаслиги эр хотин муносабатларига салбий таъсир этади. Бу эса носоғлом мухитни вужудга келтиради. Оила кодексининг 8-моддасида **“Оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши”**- юридик норма сифатида белгилаб қўйилган.

Бу моддада “Қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилади” дейилган.

Оилада эр хотин бир бирини севиб, ҳурмат қилса, оиланинг муаммоларини биргаликда ҳал этса қандай яхши. Бироқ, оилада юзага келган озгина қийинчилкларга чидамай, хотин эрига нисбатан норозилик билдиrsa, оилавий конфликтлар кундан кунга чигаллашиб бораверади.

Эр ва хотиннинг эҳтиёжлари қондирилмаслигидан келиб чиқадиган низолар сирасига қатор сабабларни қўйида келтириб ўтишимиз мумкин:

**- Биринчидан**, эрнинг аёлига ёки аёлнинг ўз турмуш ўртоғига ғамхўрлик кўрсатмаслиги;

**- Иккинчидан**, маънавий далда бермаслиги ўзаро меҳр-мухабbat (севги) нинг йўқлиги;

**- Учинчидан**, аёлнинг моддий эҳтиёжларини турмуш ўртоғи томонидан таъминлаб берилимаётганлигидир.

Оилада керагидан ортиқ тежамкорлик ҳам ўз оиласига нисбатан адолатсизликка олиб келади. Натижада эр ёки хотин бор муаммони очиқ ойдин бир-бирига айтиб болалри олдида ўзаро жан-жаллашади. Бу болалар тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Менинг фикримча, эр ва хотиннинг эҳтиёжлари, дунё қарашлари, дидлари бир-биридан фарқланиши ҳам низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Биз эса муаммоларни юзага келишининг ижтимоий ва юридик табиатини тахлил қилиб чиққанмиз. Эр ва хотиннинг эҳтиёжларини юқорида ҳам атрофлича ёритишга ҳаракат қилдик. Инсон борки, ҳаёт бор. Ҳаёт борки инсонларда янги-янги эҳтиёжлар пайдо бўлаверади. Инсон ортиқча эҳтиёжлардан ўзини тийишни билиши керак. Биринчи даражали эҳтиёжлардан ташқари бошқаларига сабр қилишни

ўрганиш лозим. Ахборатлаштирилган замонда яшаб келаётган эканмиз одамзотни турли мобил қурилмаларга эҳтиёжи туғилади. Улар орасида умуман фойдаланмасдан яшаса ҳам бўладиган буюмларлар ҳам бор. Мисол учун сўнги русмдаги телефон аппарати, кампьютер ва унинг қўшимча қурилмалари ёки энг сўнг моделдаги автомашиналар. Булар қайсиdir маънода керак. Бироқ, қиммат буюларни ўрнига нисбатан арzonроқ шу вазифани бажара оладиган буюмлардан фойдаланса ҳам бўлади. Ҳозирги замоннинг ёшлари бир-биридан ўтишга, ўзини кўз-кўз қилишга интилишадилар. Бундай эҳтиёжларни қондира олмайдиган оиласда ота билан бола, эр билан хотин ўзаро тортишувларга дуч келади. Бу эса кўп даромад олмайдиган оиласларда ортиқча эҳтиёжларни қондиришнинг моддий имконияти йўқлигини инобатга олмайди. Хоҳлаймизми йўқми, инсон эҳтиёжлар кун сайин ортиб бораверади. Янги-янги ижтимоий муносабатлар пайдо бўлаверади. Инсонлар нима учун кўпроқ пул топишга интилади? Албатта яхши яшашиб учун. Бу эҳтиёжларни қондириш учун яхши ўқиш ва ўзи қизиқсан касбнинг етук мутахасиси бўлиш керак. Шу ўзи севган касб орқали барча оила аъзоларининг ижтимоий ва табиий эҳтиёжларини таъминлай олади.

Бунунги кунда Республикализ Фуқаролик ишлари бўйича судларига келиб тушаётган даъво аризаларининг статистикасини бир таҳлил қилиб чиқамиз. Ҳар ўнта ишдан уч-тўрттаси никоҳдан ажратиш тоифасидаги фуқаролик ишларига тўғри келмоқда. Нега бунчалар кўплигини туб моҳиятини ўрганиш натижасида қуйидаги сабаблар мавжудлиги аён бўлди:

- ёшлар ўртасида эрта никоҳнинг қурилиши 13%;
- ота-оналарнинг орзу ҳавасларга фарзандларнинг келажаги барбод бўлиши 10%;
- ўзаро эр-хотиннинг бир-бирига нисбатна ҳуфёна хиёнатлари 15%;
- оиласдаги моддий қийинчиликлар туфайли 9%;
- эр-хотиннинг характерлари, дунё қараашлари ўзаро бир-бирига тўғри келмаганилиги 38%.
- учинчи шахсларнинг аралашувлари 15%.

Кўриниб турибдики, эр-хотиннинг характерлари ўзаро бир-бирига тўғри келмаганилиги 38% ни ташкил этмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, айнан шу сабаблар “Эр ва хотиннинг эҳтиёжлари, диidlари бир-биридан фарқланиши ҳам низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади” - деган фикримнинг аниқ натижасини кўрсатмоқда. Бу турли тоифадаги йигит ва қизнинг бир

бирларини яхши билмасдан турмуш қурушлари. Маънан етук бўлган инсоннинг маънавияти, дунё қараши, анча паст бўлган инсон билан турмуш қуриши. Давлат ишида ишлайдиган эр ёки хотинни ишидан кеч келишини иккинчи томон салбий баҳолаши. Бир-бирига ишонмаслик ва бошқа омиллар туфайли оиласвий низолар пайдо бўлмоқда. Яхши жамоа билан ишлайдиган инсон ҳар куни турли тоифадаги инсонлар билан мулоқатга киришади. Натижада билими ва фикрлаши ортиб боради. Уларнинг муомала маданияти ҳам кийиниш маданияти ҳам анча нозик дидли бўлади. Бу дидларини қанчалар нафис эканлигини англолмаса албатта эрни хотинидан кўнгли совийди. Ёки аксинча аёлнинг эридан. Ўшанинг учун биз ёш турмуш қурмаган йигит қизларга шуни тавсия қиласдикки, албатта ўзи ёқтирган, бир-бирини тушуниб қўллаб-қувватлайдиган, дунё қараашлари ва дидлари бир бирига мос келадиган шахс билан оила қуриши керак. Ўқиган олий маълумотли йигит олий маълумотга эга бўлмаган қизга уйланса уни ўзига мослаштириб олиши мумкин. Аммо олий маълумотли қиз ўқимаган дунё қараши тор ва ўзининг фикрини тўғри деб биладиган ахмоқ йигитга турмушга чиқса, бу оиласи ахволини мувозанатга келтириб олиш учун анча машаққатлар чекишга тўғри келади. Бунинг оқибати оиласвий низоларга, низолар эса ажримга олиб келади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси. Т.: Ўзбекистон, 2020. 74 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: (2020 йил 5-октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2020. 200 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. (2021 йил 21-апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2021.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида” 2011 йил 20 июлдаги қарори.
5. Mirzayev, G. I. (2022). O'zbekiston respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashishni ta'lildan boshlash kerak. Davlat boshqaruv sohasida korrupsiyaviy xavf-xatarlarni bartaraf etish mehanizmlarini takomillashtirish masalalari, 1(01), 101-109.

6. Мирзаев Г. (2022). O'zbekiston respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashishni ta'lidan boshlash kerak. Вопросы совершенствования механизмов противодействия коррупционным рискам в сфере государственного управления, 1(01), 101–109. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/issues-improving/article/view/12605>
7. Abdukhalikovna, A. M. (2021). Specific aspects of the validity of the statute of limitations in civil law. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 695-699.
8. Мирзаев Г., & Ниязов К. (2022). Ички ишлар органлари ходимларида коррупцияга қарши иммунитет шакллантириш масалалари. Вопросы совершенствования механизмов противодействия коррупционным рискам в сфере государственного управления, 1(01), 139–142. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/issues-improving/article/view/12634>
9. Zoilboev, J. (2022). Philosophical Views of Farabi and Biruni on Administrative Management and Modern Uzbekistan. *Telematique*, 3101-3109.
10. Zoilboev, J. (2022). CONFLICT OF INTEREST AND THE FIGHT AGAINST IT ON THE EXAMPLE OF UZBEKISTAN. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(1), 29-40.
11. <https://lex.uz/docs/5712113>
12. <https://lex.uz/docs/142859>
12. [www.https://Oliysud.uz](http://Oliysud.uz)
13. [www.https://sirstat.uz](http://sirstat.uz)